



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 30 январь, № 20 (9191)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ: ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ РИШТАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Анкара шаҳридаги “Эсенбога” халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған ва рафиқаси кутиб олди.

Икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Давлат раҳбарлари ва биринчи хонимлар қисқа учрашув ўтказдилар.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Туркия Республикаси Президентининг Анкара шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған кутиб олди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Анкара шаҳридаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари бутун мусулмон уммати учун муқаддас Рамазон ойи кириб келаётгани билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Барча даражалардаги юқори суръат ва фаол мулоқотлар мамнуният билан қайд этилди. Томонлар яқинда бўлиб ўтган стратегик режалаштириш гуруҳининг “4+4” форматидagi учрашувининг самарали натижаларини олқишладилар.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновларнинг сони изчил ўсиб бормоқда. Мунтазам равишда қўшма маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳимоя ва бошқа устувор йўналишларда лойиҳа ва дастурларни илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳа-

сида, кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлаштирувни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Томонлар мазкур йиғилиш муборак Рамазон ойи ҳамда икки мамлакат ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганига 30 йил тўлиши арафасида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидладилар.

Сиёсий мулоқот жадал ривожланаётгани, халқаро масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ўхшаш экани мамнуният билан қайд этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Парламентлараро алоқалар, жумладан, дўстлик гуруҳлари доирасида фаоллашди.

Ўзаро савдо ҳажми, шунингдек, Туркиянинг етакчи компаниялари билан қўшма корхона ва лойиҳаларнинг сони изчил равишда ўсиб бормоқда.

Келгуси йилларда товар айирбошлаш ҳажмини, жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимдаги товарлар рўйхатини кенгайтириш орқали 5 миллиард долларга етказиш вазифаси белгилаб олинди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида алоҳида дастур асосида амалга оширилиши назарда тутилган саноат кооперациясининг янги устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорликнинг улкан салоҳияти қайд этилди. Йил охирига қадар Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан делегациялар ҳамкор ҳудудлар билан лойиҳалар портфелини ишлаб чиқиш мақсадида Туркияга ташриф буюради.

Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш ва табибий туризм соҳаларида Туркиянинг илғор тажрибасини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Туризм йўналишида алоқаларни ривожлантириш, театр фестиваллари ва маданият ҳафталикларини ўтказиш, тарихий фильмларни биргаликда ишлаб чиқариш, маданий мерос объектиларини ҳамкорликда тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик-

ни чуқурлаштириш мақсадида шу йил баҳорда Бухорода тўртинчи Ректорлар форумини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, Қўшма ҳукуматлараро комиссия ҳамраисларининг кўп қиррали ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунида икки давлат ҳукуматларига қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш топширилди.

Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғанга Ўзбекистонга ташриф билан келишни таклиф қилди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Қўшма баёнот ҳамда Кенг қамровли стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик механизми тўғрисидаги қарорни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали шериклигининг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан:

- соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳарбий тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик тўғрисида;
- қончилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида;
- халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида;
- махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- ядро хавфсизлиги, жисман ҳимоя қилиш, кафолатлар ва радиацион ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви тўғрисида;
- миграцияга қўмаклашиш ва фуқароларни ўз мамлакатига қайтартириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Туркия Дин ишлари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар;
- Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;
- Ўзбекистон Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ва Туркия Олий таълим кенгаши ўртасида баённома;
- Маданият соҳасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Анкара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунлари юзасидан оммавий ах-

борот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида туркиялик ҳамкасбига кўрсатилган меҳмондўстлик ва кенгаш доирасидаги самарали музокаралар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда Туркия барча соҳаларда улкан ютуқларга эришаётгани ва кенг глобал микёсда ҳам ҳақли равишда юксак ҳурмат-эътибор қозонгани алоҳида таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард доллардан, қўшма корхоналарнинг сони эса 2,2 митдан ошди, ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми қарийб 10 миллиард долларни ташкил этди.

Икки мамлакат ўртасида ҳафтасига 100 га яқин авиақатнов амалга оширилмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида 9 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Кенгаш йиғилишларини мунтазам равишда ўтказиш, Ҳукуматлараро комиссия ва Стратегик режалаштириш гуруҳи механизмларидан самарали фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилади.

Етакчилар савдо ҳажмини, шу жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар турини кенгайтириш, устувор иқтисодий тармоқларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш орқали 5 миллиард долларга етказишга келишиб олдилар.

Шунингдек, маданий ва гуманитар алмашинувларни янада кенгайтиришга, хусусан, биргаликда театр ва кино ҳафталиклари, бадий кўргазмаларни ўтказиш ҳамда зиёрат туризмининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кенгаш йиғилиши якунларидан келиб чиқиб, икки мамлакат ҳукуматлари томонидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кенг қамровли “Йўл харитаси” қабул қилиниши таъкидланди.

Анкара шаҳрига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Ҳатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” тураржой

мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Тадбирда давлатимиз раҳбари уч йил олдин содир бўлган вайронкор зилзила қардош турк халқи учун оғир синов бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон ушбу фожиали даврнинг дастлабки кунлариданоқ Туркияга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади.

Қисқа фурсатда 100 нафар ўзбекистонлик кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган ҳудудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши кутқарилди, 200 нафарга яқин жабрланганлар вайронлардан остидан чиқарилди. Дала шифохонаси 4 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси билан зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг қўламли дастурлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунга қадар мамлакатда 455 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, қисқа муддатларда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 300 дан зиёд тўлиқ жиҳозланган хонадон, жами 24 та кўп қаватли уйдан иборат барча зарур инфратузилмага эга замонавий тураржой мажмуасини барпо этди.

Туркия Президенти ушбу мажмуа нафақат жабрланган оидалар учун янги уй, балки ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстлигининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Етакчилар лойиҳани амалга оширишда иштирок этган қурувчи, муҳандислар, ишчилар ва барча ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлат раҳбарлари янги хонадонлар қалинларини уларнинг эгаларига тантанали равишда топширдилар.

Шунингдек, Президентлар Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб бердилар. Мазкур даргоҳ Ўзбекистоннинг хориждаги биринчи таълим муассасаси бўлади.

Янги ўқув маскани Туркияда яшовчи ўзбек оилаларининг фарзандларига ўз она тилида таълим олиши билан бирга миллий кадриятлар, маданият ва анъаналарини сақлаб қолиш имконини беради.

Томонлар ушбу мактаб икки қардош халқ ўртасидаги ришталар янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилиши, ёш авлод учун муҳим таълим ва тарбия марказига айланишига ишонч билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Президентимизнинг Тошкент шаҳар ички ишлар тизимидаги тергов ва суриштирув фаолиятига берган танқидий баҳо ҳар қандай кишини жиддий ташвишга солиши тайин. Айниқса, ходимлар малакаси етишмаслиги оқибатида 833 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилмасдан, ҳисобдан яширилгани — қонун устуворлигига ва фуқароларнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказди.

Акс садо

Таъкидланганидек, расмий ҳисоботларда жиноятчилик камайгани қайд этилган бўлса-да, пойтахтда ўнлаб “қизил” ва юзлаб “сарик” тоифадаги маҳаллалар сақланиб қолаётгани тизимдаги реал ҳолат билан ҳисобот ўртасида жиддий тафовут борлигини кўрсатади. Айрим туманларнинг

ойлавий зўравонлик, босқинчилик, қотиллик ва таълолчилик каби оғир жиноятлар бўйича республика микёсида етакчи ўринларда экани таассуфланарлидир.

Давлатимиз раҳбари масъул идоралар уюшган жиноятчилик, наркотиқ, кибер-жиноятчилик ва “яширин иқтисодиёт” бўйича жиноят қўлга олиб, ходимларнинг дунёқарашини ўзгартирса,

уларни янгича ишлашга ўргатса, шунда натижа бўлишини алоҳида таъкидлади.

Эътиборлики, ушбу тўртта йўналиш бўйича мулҳоқа янги тизим яратилиб, биринчи навбатда, Тошкент шаҳрида йўлга қўйилади ва пойтахтда хавфсиз муҳитни шакллантириш бўйича “пойтахт намунаси” жорий этилади. Албатта, бу каби кескин тадбирларни амалга ошириш жуда ҳам муҳим. Чунки Тошкент — мамлакатимиз юзи. Унда бундай салбий ҳолатларнинг мавжудлиги ва уларнинг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш — бугунги кун талаби.

Бундай вазиятда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан таълим даргоҳларини интеграция қилиш катта аҳамият касб этади.



Депутатлар — ҳудудларда

ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ислохотлар натижадорлигини таъминлаш, аҳоли таклифларини ўрганиш имконини бермоқда

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан мулоқот қилмоқда.

Учрашувлар давомида асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббусларнинг, шунингдек, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган. Қонунчилик палатасининг ўтган йилдаги фаолияти, хусусан, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирлари, халқаро алоқалар йўналишида олиб борилган ишлар тўғрисида ҳам сайловчилар хабардор этилиб, айни вақтда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига уларнинг таклиф ва фикрлари ўрганилмоқда.

Мурожаатлар ечими — ҳамкорликда

Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаевнинг Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида маҳалла фаоллари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари амалий натижаларга бой бўлмоқда.

Халқ вакилининг дастлабки манзили тумандаги “Ислохотлар шабаи” бўлди. Бу ерда штабнинг жорий фаолияти, маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишдаги иштироки, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги атрофида қўриб чиқилди.



Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига

МАЪНАВИЙ ҲАЗИНАДАН БАҲРАМАНДИК САОДАТИ

Бу йил мамлакатимизда, шунингдек, туркий дунёда буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Зотан, бу улўғ сиймонинг беназир ҳаёт йўли ва фаолияти — ҳақиқий ибрат мактаби, бебаҳо адабий мероси эса башариётни маънавий уйғоқликка қорловчи, қомиллик, адолат, ҳурлик, ватанпарварлик, одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, ҳамжихатлик ғояларининг бадий ифодаси сифатида алоҳида қадрлаб келинмади.

Буюк шоир даҳосини чексиз уммонга менгзаш мумкин. Унинг қазри нихоятда теран, дуру жаҳонхирларга лиммолим. Мана шу тенгсиз маънавий хазинадан баҳрамандлик халқимиз учун улкан саодат.

“Абадийат гулшани” саҳифаси орқали газетхонларни буюк бобомизнинг ана шундай юксак бадий закосига ҳамнафас этишга интилдик. Зеро, тараққиётнинг янги bosқичида дадил одимлаётган мамлакатимизда Алишер Навоийнинг беэзаваб адабий мероси маънавиятни ривожлантириш, миллий гурурни юксалтириш, инсонлар қалбида эл-юрт тақдирига дахлдорлик, фидойилик, мардлик ва жасорат, Ватанин севиш, қадриятларга садоқат туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

4-саҳифага қаранг.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ



Шу мақсадда ҳуқуқ-тартибот олий-гоҳлари ушбу муаммоларни илм билан ҳал қилади ва методик тавсиясини туманда жорий этади, олийгоҳ кафедралари олти ой давомида маҳаллага тушиб, “маҳалла еттилиги” ва ҳуқуқ-тартибот ходимларини ягона дастур бўйича ўқитади деди давлатимиз раҳбари.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва ташаббусига боғлиқ. Худудий раҳбарлар аҳоли, маҳалла тизими ва жамоатчилик билан биргаликда ишламас экан, ижобий натижага

эришиб бўлмайди. Шу маънода, раҳбар кадрлар фаолиятига қатъий баҳо берилиши ва аниқ вазирлар қўйилиши эътиборга молик қарордир. Белгиланган олти ойлик синов муддати давомида масъул раҳбарлар иш услубини тубдан ўзгартириб, статистика ортидан қувиш эмас, балки ҳар бир жиноят тақдири, ҳар бир маҳалладаги



вазират учун шахсан жавобгар эканини амалда ибобтлаши шарт.

Асосийси, бундан буён ҳам қонун устуворлиги, жамият хавфсизлиги ва фуқаролар тинчлиги давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Бу борада парламент назорати ҳам изчил давом эттирилади.

Одилжон МАМАТКАРИЙЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари.

Учрашув

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг Термиз давлат университети талабалари билан очиқ мулоқоти ўтказилди.



Учрашувда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили доирасида 2026 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган устувор вазифалар, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида ишлаб чиқиляётган давлат дастури лойиҳаси ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, Ёшлар парламентининг фаолияти, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда қонунчиликдаги сўнгги янгиланишлар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот давомида талабалар ўқув амалиётини тур-

ли давлат ва нодавлат ташкилотларида ташкил этиш, вилотнинг чекка ҳудудларида чет тиллари ва сўнгий интеллект йўналишида ўқув марказлари очиш, кибер-хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Учрашув якунида талабалар учун алоҳида мулоқот платформасини яратиш ҳамда келгусида Ёшлар парламенти билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА ТИНЧЛИГИ — МАМЛАКАТ ТИНЧЛИГИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнининг боришини кўрсатиб турувчи омиллардан бири — маҳалла. Зотан, у ислохотлар қаерда ишляпти, қаерда тўхтаётган деган саволларга аниқ жавоб берадиган асосий бўғин ҳисобланади. Агар мазкур тузилмада ишсиз одам ёки камбағал оила сақланиб қолаётган бўлса, демак, ислохот ўша жойга етиб бормаган.



Фикр

Ислохотлар самарадорлиги, ижроси таъминланиши учун эса уларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкам бўлиши лозим. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизimini жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юртимизда қонунбузарликларнинг олдини олиш асосларини янада мустаҳкамлашда дастуриламал бўлиши мумкин. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижтимоий профилактикани кучайтириш, оилавий келишмовчиликлар ортидан келиб чиқадиган кўнгилсизликлар ҳамда аёллар ва ёшлар жиноятчилигининг асл омилларини илмий таҳлил қилиш, профилактик тадбирларни кучайтириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Қарорда ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларни рўйхатга олмаслик, жиноят иши кўзга ташланиши асосида рад этиш, қонунбузарликларни ҳисобдан ашириш, жиноятни нотўғри малакалаш каби хатти-ҳаракатлар учун масъулларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилиши баён қилинган. Шунингдек, йил якунига қадар фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги оғзаки мурожаатларини соҳа ва ҳудуддан қатъи назар, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат паншетлари орқали реал вақт режимида ягона тартибда қабул қилиш ва тезкорлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш вазифаси юкланган.

Қолаверса, шу йил 1 ноябрга қадар

фуқароларга профилактика инспектори билан онлайн мулоқот қилиш, фото, видео, аудио ва ташвиш хабарларини юбориш ҳамда соҳа вакиллари фаолиятига баҳо бериш имконини яратувчи “Менинг инспекторим” дастурини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида эса низоли оилалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил ва мониторинг қилишга иxtисослаштирилган “E nizoli oila” модули жорий этилиб, бу тизим судларга интеграция қилиниши белгиланган.

Ўрни келганда айтиш керакки, биз тўхтаётган ҳуқуқий ҳужжат давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида ҳавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизimini самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мантиқий давомидир. Бундан кўра, жиноятчиликни жийовлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар қўламини йил сайин орттириб бормоқда.

Яна шуниси аниқки, Президентимизнинг биз сўз юритаётган қарори ижросини таъминлашга қасаба уюшмалари ижтимоий профилактик тадбирларни кучайтириш орқали муносиб ҳиссасини қўшади. Бунга эҳтижмандларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини ташкил қилиш йўли билан эришамиз.

Нусратуллага ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Жиззах вилояти
кенгаши раиси, сенатор.

САЙЛОВЧИ ҚАЧОН ЎЗ ДЕПУТАТИНИ ТАНИЙДИ?

Бугун кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, умуман, ўзини шу жамиятнинг фаол аъзоси деб ҳисоблаётган ҳар бир фуқаронинг диққат-эътиборидаги асосий мавзулардан бири сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаоллиги ҳақида бўлмоқда. Зотан, Президентимиз ташаббусига кўра барча даражада олиб борилаётган шиддатли ислохотлар жараёнидан ортада қолмаслик учун ва ҳар бир соҳа вакиллари билан ўтказилаётган жонли мулоқотларда фаолиятимизда туб бурилиш ясаш талаб этилмоқда.

Мулоҳаза

Дейлик, яқин-яқингача “Бу депутат бўлиб нима ҳам қилиб берарди, сессияга киради, катталарнинг айтганига жавобан қўлини кўтаради, натижадан эса дарак йўқ” деган гапларни ўзимиз ҳам кўп эшитардик. Аммо бугунги тизимда рўй бераётган ўзгаришлар бу каби фикрларни йўққа чиқармоқда, десак, айни ҳақиқат. Боиси бугун маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги тобора кучайиб бораётгани ҳар қадамда аққол сезилмоқда. Бунинг сўнгги қаҳирқанда ўз фикрини айта оладиган номзодларнинг кўпчилигини сайловчилар қўллаб-қувватлаганидан ҳам билса бўлади. Уларнинг ҳаракати ҳам шунга яраша — сессия ёки мажлислардаги бефарқлик, мудраб ўтиришлар энди йўқ.

Мисол учун, халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг янги йил арафасида ўтказилган сессияда тугалланган йил маҳаллий бюджети ижроси ва 2026 йил бюджетини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш чоғида кўпчилик кутмаган ҳолат юз берди. Депутатларнинг катта қисми янги йил учун кўзда тутилган маҳаллий солиқлардаги ўзгаришларни тасдиқламади. Бунга давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида маҳаллий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдириш юзасидан айтган гаплари асос қилиб олинди. Масала қайта кўриб чиқилиб, кейинги сессияга кiritиш учун кечиктирилди. Бундай қатъий бoshқа қатор масалалар муҳокамасида ҳам кузатилаётди.

Депутат фаоллиги ҳақида гап кетганда, унинг сайловчи-



лар билан алоқаси, ўзи сайланган ҳудуд аҳли қувончию ташвишларига шерик бўла олиши энг зарур шартлардан деб ҳисоблайман. Шу ўринда бир мисол. Аҳоли фаоллиги билан “Ташаббусли бюджет” платформасида голиб чиққан лойиҳада Қорақўл маҳалласига ичимлик суви тармоғи тортиш бўйича амалга оширилган ишлар якунини кўриб чиқиш чоғида ишлар чала қолгани маълум бўлди. Пудратчи ташкилот тармокларни қуриш пайтида тақсимот қудуқларига ёнгина қарши кураш техникаси учун зарур пайтда сув олиш мосламасини ўрнатишни “унутиб қолдирган” экан. Сувсозлар олдида камчиликни тўғрилашнинг қатъий қилиб қўйди ва бу бажарилди.

Сайловчилар билан мунтазам мулоқотлар ҳам депутат фаолиятида катта роль ўйнайди. Сайловчилари билан тез-тез учрашадиган халқ вакили, аввало, уларнинг ютуқ ва муаммоларини яқиндан билади. Айни чоғда уларнинг ўзига ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Қорақўл ва Урганжи маҳаллаларида ташкил қилинган қабулхоналарда ҳафтанинг сўнгги икки кунинида фуқаролар билан мулоқотда бўлган. Ўтган йили уч юздан ортқ муносабатларни тинглаб, аксари ятини ҳал қилишга эришдик. Хусусан, Бешкапа болалар са-

наторийсида иш ҳақи тўловидаги муаммолар борасида бир гуруҳ ходимлар мурожаатидан кейин масала юзасидан вилотий молия бошқармасига юборилган депутатлик сўрови мутасаддиларга яхшигина тўртки бўлди. Ёки Урганжи маҳалласидан оқиб ўтадиган ариққа чиққини оқизиб, сувни ифсолантирган терини қайта ишлаш корхонасининг ноқонуний ишини бартараф қилиш жараёни ҳам енгил кечмади. Бир йилдан буён одамларнинг ҳавога тарқалаётган қўланса хидни йўқотиш борасидаги шикоятига ҳеч бир амалдор амалий жавоб бермаган. Туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими мутахассислари билан ахволни жойида тезкор ўргандик. Муаммони ечиш учун бир ҳафта кифоя қилди, холос.

Баззан “Айрим жойлардаги сайловчилар нега ўзи депутатини танимайди?” деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Бу ўринда сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси чоғидаги кўпроқ депутат ўрнини эгаллаш “мусобақаси” хусусида тўхталмаслик мумкин эмас. Бу жараёнда, асосан, сонга эътибор қаратилиши натижасида сифат унутилади. Баъзи округларга мазкур ҳудуддан анча олисдаги маҳаллада жойлашган мактаб директори ёки тадбиркорнинг номзоди қўйилган ҳолатларни кўрганмиз. Ваҳоланки, тегишли қонунга кўра номзод ўзи кўрсатилаётган округ ҳудудида камда беш йил яшаган бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Ахир депутат сайловчиларидан узоқда яшаса, устига-устак ўз округидаги аҳоли ҳаётидан бегона бўлса, бу ерга келишга вақт тополмас, қандай қилиб уни танишсин?!

Чинакам халқ вакили бўлишни истаган инсон, билирини навбатда, сайловчилари билан ҳамқадам, уларнинг турмуши ва ҳудуддаги вазиятдан чуқур баҳардор бўлсагина одамлар дардига дармон бўлади, асосийси, қўпчилиги унга ишониб, қалбини очади.

Ҳасанбой ХОЛИҚОВ,
халқ депутатлари Наманган
тумани Кенгаши депутати.

ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ислохотлар натижадорлигини таъминлаш, аҳоли таклифларини ўрганиш имконини бермоқда



Туманнинг Эски Жомбой маҳалласида бўлиб ўтган мулоқотда асосий эътибор ҳудуддаги муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўришга қаратилди. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини учун бино қуришга маблаг ажратилган бўлса-да, маълум муаммолар сабабли қурилиш ишлари ҳали ҳам бошланмаган. Фаолларга бу бўйича таклифлар берилиб, масалани тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қисқа вақтда ҳал этишга келишилди.

Ғазира ва Қўлбости маҳаллалари фаоллари билан бўлган учрашувларда давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳамда унда илгари сурилган гоя ва ташаббусларнинг мазмунини ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, аҳолининг яшаш шaroитлари, муаммолари билан танишилиб, мурожаатлари жойида ўрганилди.

Мазкур учрашувлар давомида депутат Ғазира маҳалласидаги 3-оилавий поликлиника ҳам бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди. Фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатлар ва таклифлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда тизимли ишларни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, депутат тумандаги 11-умумтаълим мактабида бўлиб, қаҳрувга қадар бошлангич тайёргарлик фанининг давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилганлиги ҳолатини кўздан кечирди. Фан ўқитувчиларининг ҳарбий-педагогик тайёргарлик даражаси ўрганилиб, уларнинг меҳнат шaroити ва малакасини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланади

Депутат Барно Бердиева ЎзЛиДеП ишчи гуруҳи аъзолари билан биргаликда Урганч шаҳридаги Бобур ва Гулчилар маҳаллаларида бўлиб, тадбиркор аёллар фаолияти билан танишди.

Жумладан, Бобур номидаги маҳаллада фаолият олиб бораётган тадбиркор аёл Наргиза Жабборовна миллий услубдаги сарпо кийимлари тикиш билан шуғулланиб, бугунги кунда 10 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб келмоқда. Айни пайтда у “Наргис бренд” номи остида маҳсулотларини ишлаб чиқариб, бозорга етказиб бermoқда.

Тадбиркор аёл янги ишлаб чиқариш биносини ишга тушириш учун 100 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш масаласида кўмак сўраб, ўз режалари билан ўртоқлашди. Қувонарлиси, у яқин келажақда хорижий тадбиркорлар билан шартнома имзолаш арасида эканини ҳам маълум қилди. Бу эса маҳаллада ташкил этилган бизнеснинг экспорт салоҳияти юқори эканидан далолат беради.

Шунингдек, Гулчилар маҳалласида 2010 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Ғайрат-Мустафо” оилавий корхонаси раҳбари Санобар Жуманиязованинг тадбиркорлик фаолияти ҳам ўрганилди. Ушбу корхона, асосан, новвот ишлаб чиқариш-

Мулоқот чоғида бундай ташаббуслар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилиши айтилди.

Айрим масалалар назоратга олинди

Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги бир неча маҳаллаларда бўлиб, у ердаги мавжуд ҳолат ва юзгага келган муаммолар билан яқиндан танишди.

Бинокор, Ҳўжа Учқун, Жалоир ва Янги Гулзор маҳаллалари бир неча йиллар аввал Тошкент вилоятига тегишли бўлиб, сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ҳудудига ўтказилган. Ўтган давр мобайнида ушбу маҳаллаларнинг инфраструктурасини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, ижтимоий объектларни реконструкция қилиш натижасида маҳаллаларнинг қиёфаси янгиланди. Шунга



қарамай, ечимини топиши керак бўлган масалалар ҳам бор.

Хусусан, ушбу маҳаллаларнинг кўча чироқларини ўрнатиш ҳали ҳам ниятсизга етмагани фуқаролар томонидан билдирилди. Ҳўжа Учқун маҳалласида ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар борлиги ҳам қайд этилди.

Депутат томонидан мавжуд масалалар назоратга олиниб, уларнинг ечими бўйича мутасаддилар билан иш олиб борилиши айтилди.



эркин ва самарали ишлаши учун зарур имкониятлар, шарт-шaroитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хусусида маълумотлар берди.

Юрт истикболида фаоллик муҳим

Хоразм вилоятининг Урганч туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтка-

заётган депутат Ойбек Отамуратов дастлаб тумандаги 1-техникумда бўлиб, ўқув жараёни билан яқиндан танишди. Педагоглар билан мулоқотлар қилди.

Учрашувда касбий таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифати ва амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди.

Таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Мулоқот давомида депутат айни вақтда ўтказиб келинаётган аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбирларининг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтди. Бу мамлакатни ривожлантириш истиқболларини белгилашда аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, қишлоқ ҳўжалиги ҳолатини аниқлаш жуда муҳимлиги таъкидланиб, ушбу жараёнда ҳамма фаол бўлиши қайд этилди.

Ёшлар таълим-тарбияси — доимий эътиборда

Қонунчилик палатаси депутатлари Севара Убайдуллаева ҳамда Равшан Фозилов Тошкент шаҳридаги Олмазор туманида бўлиб, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди.

Илк манзил тумандаги 21-оилавий поликлиника бўлди. Халқ вакиллари тиббиёт муассасасида яратилган зарур шароитлар, дори-дармон таъминоти ва аҳолига кўрсатилаётган бирамкам тиббий хизмат сифатини кўздан кечирди. Тиббиёт ходимлари билан суҳбат чоғида соҳани рақамлаштириш, патронаж хизматининг самарадорлиги ва касал-



ликларни эрта аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатларнинг 315-умумтаълим мактабидagi учрашуви ҳам ҳар томонлама самарали бўлди. Улар таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, синфхоналарнинг жиҳозланиши ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизикди.

Мактаб жамоаси ва ота-оналар билан кечган самимий мулоқотда ёшлар таълим-тарбияси, китобхоналик маданиятини юксалтириш ҳамда мактаб инфратузилмасини янада яхшилаш борасидаги таклифлар ўрганилди.

Халқ вакиллари тумандаги “Аҳил” ва “Элпарвар” МФЙларида ҳам бўлишди. “Маҳалла еттилиги” билан ўтказилган мулоқотларда ҳудуддаги ижтимоий муҳит, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Хусусан, Аҳил маҳалласида асосий эътибор ободонлаштириш ва коммунал соҳадаги масалаларга қаратилган бўлса, Элпарвар маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими таҳлил қилинди.

Учрашувлар давомида аҳоли томонидан кўтарилган қўллаб-қувватлаш жойида ҳал этишга эришилди. Ечимни узоқ вақт талаб қиладиган мурожаатлар депутатлик назоратига олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Жорий йилда мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажмини 11 фоизга қўпайтириб, 30 млрд. долларга етказиш режа қилинган.

БИЛИМЛИ ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлаётди. Соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш, замонавий тиббий технологиялар ва инновацион усулларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса фуқароларнинг ҳаёт сифати ҳамда ўртача умр давомийлигини оширмоқда.

Тиббиёт

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина ўтган йилнинг январь — ноябрь ойларида жами 80 653 нафар чет эл фуқароси даволаниш мақсадида Ўзбекистонга келган. Бу рақамлар эса миллий тиббиётимизнинг халқро даражада юқорилаб бораётганидан яққол далолат беради.



Касалликларни даволаш билан чекланиб бўлмайди

Тавқидлаш жоизки, тизимни ривожлантириш фақат касалликларни даволаш билан чекланиб қолмасдан, аҳоли саломатлигини сақлаш, профилактика, эрта ташхис ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантиришни ҳам талаб қилади. Бугунги кунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш учун бир нечта устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, бу шулاردан бири тиббий кадрлар салоҳиятини кўтариш билан бевосита боғлиқ.

Дарҳақиқат, замонавий тиббиёт юқори малакали, амалий кўникмаларга эга, халқро тажрибани ўзлаштирган кадрларни талаб этади. Шу боис касбий тиббий таълимни ривожлантириш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий устуворларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда ҳам салмоқли ишлар бажарилибди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра Англиянинг “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда

хар бир ҳудудда биттадан техникумда халқро стандартлар асосида ҳамширалар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бу таълим муассасаларида ўқув жараёни амалиётга йўналтирилган бўлиб, талабалар замонавий клиник протоколлар, бемор билан мулоқот, тиббий этика ва хавфсизлик қоидаларини чуқур ўзлаштиради.

Эндиликда Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби давлатларнинг илгор таълим дастурлари мазкур техникумларда жорий этилади. Бу эса ўқув мазмунини бойитиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, ҳамшираларнинг халқро меҳнат бозорига рақобатбардош бўлишини таъминлайди, албатта.

Қолаверса, халқро стандартлар асосида тайёрланаётган ҳамширалар инглиз ва бошқа хорижий тилларни билиш орқали илмий ангиликларни ўзлаштириш, хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади. Бу эса миллий тиббиёт тизимининг глобал тиббиёт ҳамжамиятига интеграциясини таъминлайди.

Рақамлаштириш ва трансформация уйғунлиги

Дунёнинг ривожланган давлатларида тиббий таълим амалиётга йўналтирилган, доимий қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимига асосланган. Ўзбекистонда ҳам айни тажрибаларни миллий шароитга мослаштириш орқали самарали модель шакллантирилмоқда. Бу жараёнда миллий аъёнлар ҳамда аҳолининг тиббий эҳтиёжлари ва ҳудудий хусусиятлар инобатга олинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги трансформация, аввало, рақамли тиббиётни ривожлантириш билан боғлиқ. Электрон тиббий карталар, телемедицина, сунъий интеллект асосида ташхис қўйиш тизимлари хиз-

мийлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, самарали соғлиқни сақлаш тизими соғлом жамиятни шакллантиришнинг асосий кафолати ҳисобланади. Айтиш жоиз, замонавий соғлиқни сақлаш тизими бир қатор вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, булар — касалликларнинг олдини олиш ва эрта ташхис қўйиш, сифатли ва ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни аҳоли учун очик ва қулай қилиш, шунингдек, соҳа ҳодимларининг малакасини муттасил оширишни ўз ичига олади.

Бў эса, ўз навбатида, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимлари ҳамкорлигини изчил йўлга қўйишни талаб этади. Маърифатли жамият соғлом турмуш тарзига онгли равишда риоя қилади, соғлом аҳоли эса самарали таълим олишга қодир бўлади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги билимларни таълим тизимига интеграциялаш, яъни тиббий саводхонлиқни ошириш, ёш авлодда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш ҳамда трансформация қилиш эса жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Шу маънода, замонавий технологияларни жорий этиш, инсон манфаатларини устувор қўйиш ва сифатли хизматларни таъминлаш орқали ушбу соҳаларда барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Билимли ва соғлом жамият — келажак тараққиётининг энг ишончли кафолати, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ҳар бир ташаббус мамлакат барқарорлигини таъминлашга қўйилган муҳим қадамдир.

Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.



АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда миллий ишлаб чиқарувчиларимиз “Made in Uzbekistan” миллий бренди остида табиий матолар, тайёр кийим-кечаклар, замонавий аксессуар ва инновацион ечимлар асосида тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларини намойиш қилди. Энг муҳими, маҳсулотларнинг сифати, экологик тозаллиги ва жабон стандартларига мослиги халқро харидорлар ва экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Юртимиз тадбиркорлари бу каби нуфузли кўргазмаларда иштирок этиш орқали янги экспорт бозорларига чиқиш, жабон бренди ва компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ҳамда инновация ва глобал трендлар билан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Заминимиз ноз-несъматлари глобал бозорда

БААнинг Дубай шаҳрида озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари соҳасида дунёдаги энг йирик ярмаркалардан бири — “Gulfood — 2026” халқро кўргазмаси ўтказилди.



Тадбирда Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ кўмағида 510 кв. метр майдонда ташкил этилган “Made in Uzbekistan” ягона миллий стенди орқали мамлакатимизнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти кенг намойиш қилинди. Миллий экспозиция доирасида 60 дан ортқ маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини халқро харидорлар ва ҳамкорларга тақдим этди.

“Gulfood — 2026” доирасидаги иштирок маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги халқро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, экспорт жүрғуфясини кенгайтириш ҳамда “Made in Uzbekistan” брендини жабон бозоридан янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркор аёллар даромади ошмоқда

2025 йилда мамлакатимиз тадбиркор аёллари бошқарётган 43 860 та микро ва кичик корхонанинг даромади 47,7 трлн. сўмни ташкил этди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 10,1 трлн. сўм кўп даромад олинганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркор аёллар кенгаши йиғилишида шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, ушбу ўсиш мамлакатимизда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ислохотлар, тақдим этилаётган имтиёзли кредитлар, грантлар ва маслаҳат хизматларининг самарасидир.

Анжуманда келгуси йилларда тадбиркор аёлларнинг бизнес фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг маҳсулот ва хизматлари бўйича қарорлар қабул қилинади. Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир ҳаётимизни янада фаровон ва тўқин бўлишига йўл очади.

Абдуноби АЛИКУЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

«Халқ сўзи».

АНИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Айни чоғда республикаимизда 15 январда бошланган ва 17 кун давом этадиган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг биринчи босқичи айни авжида. Ахборот технологиялари ривожланиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётгани мана шу жараёнда яққол сезиляпти — юртдошларимиз рўйхатга олиш тадбирида фаол қатнашмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ақинда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, “Рўйхатга олиш ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оиланинг реал ҳолатини аниқлаш, келгуси режаларини шу асосда белгилаш, энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган механизмларни жорий этишга хизмат қилади”.

«Рўйхатга олиш — 2026»

Мазкур тадбирнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва ижтимоий аҳамияти ҳақида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, социология фанлари доктори Хайринисо ХУСАНОВА муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Мамлакатимиз миқёсида аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифаларини белгилувчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш давлатнинг устувор йўналишларини аниқ белгилашда жуда муҳимдир. Шу боис 2020 йил 16 мартда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Беш йиллик пукта тайёргарликдан сўнг бу тадбир ўтказилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси сони истиклол йилларида икки карра кўпайиб, 38 миллион нафардан ошди. Шунга яраша инфратузилмалар, янгидан-янги шаҳарлар, гузарлар пайдо бўлди. Бугун Янги Ўзбекистон тараққиётини, иқтисодий салоҳиятини янада кўтариш зарурлиги туғилгани боис рўйхатга олиш тадбирига жиддий киришилди. Маълумотларнинг ҳаққонийлиги давлатнинг манзилли ижтимоий сиёсат олиб боришида, аниқ бюджет тақсироти ҳамда келгуси тараққиёт стратегияларини белгилашда асосий стратегик тиргак бўлиши тайин. Ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ тажрибаси бунга яққол мисол. Бу мамлакатда 1790 йилдан бун ҳар ўн йилда аҳолининг ижтимоий демографик ҳолати бўйича статистик кузатишлар муттасил ўтказиб келинади. Сўнгги йилларда АҚШ ушбу

жараёни илмий ва технологик жиҳатдан буткул янгича босқичга олиб чиқди. 2010 йилда катта микдорда молиялаш эвазига планшет орқали аниқ геолокациялар, навигация тизимлари қўлланилди. АҚШдаги 2020 йилда ўтказилган он-лайн рўйхатга олиш жараёни эса халқро майдонда барчага намуна бўлди.

Хитойда “битта оила — битта фарзанд” сиёсати юритилганиги учун оилалар иккинчи ёки учинчи фарзандни яширишга уринган. Натижада аҳолини рўйхатга олишда чалкашлиklar кузатилган. Янги Зеландияда эса бу тадбир янада мукамал тарзда олиб борилди ва сўроновмага иш соатлари ҳажми, тураржойнинг ижара нархи, сарфланган ёнилги миқдори каби маийш даражадаги саволлар ҳам киритилган. Озарбайжонда ўтказилган рўйхатга олиш дастури саволларида аҳолининг математик саводхонлик даражасини аниқлашга қаратилган саволларни кўриш мумкин эди. Қўшни Қирғизистонда эса бу тадбир жараёнида аҳолининг фаоллигини ошириш мақсадида совринлар ва ютуқли мукофотлар жорий қилинган.

Кўриб турганингиздек, дунё мамлакатларида ўтказилган рўйхатга олиш жараёни нафақат катта молиявий харажатларни, балки салмоқли инсон капиталини (мутахассислар, рўйхатга олувчилар) ҳам талаб қилади. Сабоби оддий, бутун мамлакат бўйлаб (энг чекка ҳудудларга) ахборот йиғиш



пунктларини ташкил этиш, компьютерлар, планшетлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш, юз минглаб вақтинчалик ҳодимларни ёллаш, уларни ўқитиш ва назорат қилиш — бунинг турган-битгани таъмин. Йиғилган улкан маълумотлар ҳажмини хавфсиз сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлилдан ўтказиш учун замонавий дастурий таъминот ва серверлар ҳам керак.

Албатта, ҳар бир давлат рўйхатга олиш тадбирига ўзига хос тарзда ёндашмоқда, иш ҳажми, сарф-харажатлар кўлами ҳам турлича. Аммо мақсад битта — ҳаётни аниқ ва шафдоф тарзда рақамларда акс эттириш. Бу эса аҳоли кайфияти, қизиқиши, харакатчанлигини аниқлаш ҳам демокдир. Қувонарлиси, дастлабки қисқа фурсатдаги натижалар Ўзбекистон аҳолиси бу борада ижтимоий фаол эканлигини намоён қилмоқда.

Бугун аҳолининг реал бандлик даражаси ва даромад манбалари ҳақида аниқ маълумотлар қандай жамланади? Рўйхатга олиш орқали-да. Келажакда маълум бир ҳудуд ёки аҳоли қатлами (масалан, ёш тадбиркорлар ёки хунарманд-

лар) учун солиқ имтиёзларини беришда “кўр-кўрона” эмас, балки аниқ эҳтиёжга қараб ёндашилади. Бу иқтисодий ресурсларнинг нўрн сарфланишига чек қўяди, манзилли имтиёзлар самарадорлигини оширади.

Рўйхатга олиш натижалари қайси ҳудудларда камбағаллик даражаси юқорилигини ва

бунга нима сабаб бўлаётганини (ишсизлик, маълумотсизлик ёки инфратузилма йўқлиги) намоён этади. Ижтимоий нафакалар ва электрон реестрлар рўйхатга олиш маълумотлари билан интеграция қилиниши натижасида ёрдамга ҳақиқатда муҳтож оилалар четда қолиб кетмайди. Бу то маънода ижтимоий адолат таъминланади деганидир.

Қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва уларнинг иқтисослашувини аниқлаш ҳам жуда муҳим. Агар маълум бир ҳудудда аҳоли зич яшаса, ўша жойда инновацияга, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишга устуворлик берилади. Қайси экинлар-

Турмуш даражаси ва уй-жой шароитлари, уй-жой фонди ҳолати асосида тегишли ислохотларга старт берилади. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги, коммунал қулайликлар (сув, газ, электр, интернет) даражаси бўйича хулосалар аҳоли фаровонлигининг реал кўрсаткичи ҳисобланади.

Янги мактаб, богча ва шифохоналар қуриш жойлари аниқланади, пенсия ва ижтимоий таъминот тизими ислоҳ этилади, инвестицияларни ҳудудлар кесиминда тўри тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилинади. Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир ҳаётимизни янада фаровон ва тўқин бўлишига йўл очади.

2026 йил 1 майдан халқро дастурлар («Stent for Life» ва «Action Plan for Stroke») асосида ишлаб чиқилган Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури ҳудудларда босқичма-босқич амалиётга жорий этилади.



Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

«Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд

кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАЪНАВИЙ ҲАЗИНАДАН БАҲРАМАНДЛИК САОДАТИ

ИМКОНДАН ОРТИҚ МУҲАББАТ

Ҳаётга, инсонга муҳаббат, умрни ғанимат билиб қадрлаш ғоялари уфуриб турган қуйидаги рубоий Алишер Навоийнинг донолик лирикасига мансуб бўлиб, юсак санъаткорлик билан яратилган асардир:

Шарҳ

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Хар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Рубоийнинг бу қадар гўзал ва таъсирчан чиқишига радиф, қофия, тарсе, тадриж каби бадий санъатлар омил бўлгани, уларнинг шарҳи орқалигина рубоийнинг мазмунини тўғри изоҳлаш мумкин. Алишер Навоий рубоийдек мўъжас лирик асарда олти сўзли — “сени кўп севармен, эй умри азиз” радифини қўлаган. Жами етти сўздан иборат мисранинг олти сўзини радифга олиш бадиятда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Интонацион бутунлик, мусликий оҳангдорликни таъминловчи радифининг тенг ярим қисми “эй умри азиз” ундальмасидан иборат бўлиши эса тавсиф объекти — умрга, инсонга нисбатан эҳтиросли, умидвор муносабат ҳамда илҳизм, эътиқод мотивларини кучайтирган.

Санъаткорлик шунда ҳам кўринадики, шоир қофияланувчи мисралар бошидаги биргина сўзни ўзгартиради, холос. Қолган сўзлар радифлигича сақланади. Аммо бадий мазмун ривожланавари. Бунинг устига, мисралар аввалидаги ўзгарувчи сўзлар ҳам жўн эмас, “жондин”, “сондин”, “ондин” сингари ўзаро қофияланувчи сўзлардан иборат бўлиб, бунинг ўзи бир санъат.

Мисралардаги асосий

сўзларнинг мазмун силсиласини суратда ривожланишига имкон берадиган тарзда жойлаштирилиши тадриж санъатини вужудга келтирган. Натижада ҳаётга, инсонга муҳаббатнинг сатр-ма-сатр, даражама-даража кучайиб борувчи тасвири пайдо бўлган.

Илк сатрда шоир азиз умрни, севиқли ёрни жондан-да кўпроқ севажанини изҳор этган. Лекин биргина жон фидо этиш билан қаноатланмаган, чунки “жон” тушунчаси ҳаётга, машуққа муҳаббатини ифодалашга ожиз. Шундан сўнг миқдор тушунчасига мурожаат қилинади. Шоир дунёда миқдорни ифодаловчи қанчаки сон бўлса, ҳаётга, ёрга бўлган муҳаббати ўшандан ҳам ортиқлигини айтади. Лекин бўндай миқдор ҳам ҳаётга, бир умр азиз ҳисобланган инсонга муҳаббат салмоғини ифодалай олмайди.

Ниҳоят, шоир умрга бўлган муҳаббат чексиз ва ўлчовсиз эканини аёнлайди ва ажойиб тарзда баён этади: “Эй умри азиз, энг олий даражада севиш мумкин бўлган бирор нарсас бўлмаски, бошқа бир нарсани ундан ортиқ даражада севиш мумкин бўлмаса, мен сени ўшандан ҳам ортиқ, яъни имкондан ортиқ даражада севаман”.

Нусратулло ЖУМАЎЖА,
филология фанлари доктори, профессор.

«НАВОИЙ ЁМОН БЎЛСА, СЕН ЯХШИ БЎЛ»

Буюк мутафаккир инисига шундай насиҳат қилганди...

Алишер Навоийнинг туғилган укаси Дарвеш Алибек номига манбаларда “китобдор”, “қўқалдош” нисбалари қўшиб айтилган. Темурийлар сулоласига яқинлики билдирувчи “қўқалдош”лик мартабаси шоирнинг она авлодига мансубдир. Ғиёсиддин Кичкинанинг учинчи ўғли Дарвеш Алининг туғилган ва вафот этган йиллари тўғрисида тарихий маълумотлар йўқ. Ҳаёти ҳақидаги битиклар ҳам оз. Навоий ҳазратлари “Мушсаот”га киритилган ва укасининг Балхга ҳоким бўлган пайтлари ҳақида “Дарвеш Алибек хизмати билан бизнинг хизматимиз орасида тафовут йўқтур”, дея таъкидлайди. Шунингдек, 1485 йилда ёзилган “Саъди Исхандарий” дostonида Дарвеш Алибекка насиҳат қилиб қуйидаги мисраларни битди:

Мозий сирлари

Аё, гавхарим конининг гавҳари,
Мунир ахтарим буржининг ахтари,
Неча авжи ҳашмат уза фаш сен,
Менга нисбат ичра қаришдошсен...
Нависиз улусинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.
Бундан ташқари, бошқа манбаларда ҳам, озгина бўлса-да, Дарвеш Алибек тўғрисида маълумотлар бўлиб, хусусан, “Бобуринома”да муаллиф “Дарвеш Алибек тўған иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукмати мунда эди. Балхда яхши беқлик қилди. Тийра мағз ва беҳунарроқ киши эрди. Султон Хусайн мирзо аввал Кундуз ва Хисор устига келганди тийра мағзидан тўтирдилар. Балх ҳукматидан мағзул бўлди. Тарих тўққиз юз ўн олтида мен Кундуз келганда, меннинг қошимга келиб эди, махс ва мабхут эди. Беқлик қобилиятдан дур ва ичкилик салохиятидан мажхур. Фолиб Алишербек

воситасидин мунча рияят топқандур”, дея унга таъриф бериб ўтади.

Балхга ҳоким бўлганича Дарвеш Али Хусайн Бойқаро саройида китобдорлик қилган. 1482 йили унга амир унвони берилиб, Балхга ҳоким этиб юборилди. Табиийки, Дарвеш Алининг салтанатда бундай даражага етишида, Бобур айтганидек, акасининг обрў-этибори муҳим ўрин тутган. Бирок бу Дарвеш Али сиёсатдан узоқ бўлган, дегани эмас. Балх у ҳокимлик пайти Хўросондаги энг беҳавотир, соҳиллар қаматилрилган, савдо ривож топган ҳудудга айланган.

Шунингдек, у маърифатли оилада вояга етгани, китобдор бўлиб ишлагани, акалари — Бахлулбек ва Алишербекининг панд-насиҳатлари бўйича иш кўргани учун Балхнинг маънавий ривожига эътибор қаратди.

Тарихчи Мирхондин “Равзатус-сафо” асарига ёзилишига кўра, “Дарвеш Али хожа Мажиҳиддин эътибори ва ихтиёри даражаси ошиб, оғаси амир Алишерга давлат ишларига аралашши имкони қолмагани ва Мажиҳиддин

унга муҳолиф бўлиб, исён эшикларини очгани ҳақида бир неча марта эшитганидан сўнг” 1490 йилда Бойқарога қарши исён кўтарди.

Шунда халқ ва салтанат тинчлигини йўлаган Алишер Навоий дўсти ва укаси ўртасида воситачилик қилади. Подшоҳ дўстига “уканг ярашса, уни ўзимга энг ақин кишилардан қиламан, ҳеч қандай жазога мустахик қилмайман”, дея ваъда беради. Бирок акасининг илтимосига кўра, Дарвеш Али тавба қилиб келганда, уни подшоҳ фармони билан қалбақлаштиришда айбало, зиндонга ташлашди. Мирхондиннинг ёзишча, бунга сабаб, Бойқаронинг вояга етмаган ўғли Иброҳим Хусайн Мирзони шаҳардан йироқлаштириш чорасини қўриб, Хусайн Бойқаронинг муҳрини ясаптирган, шаҳзодани поитахтга чақиртирилгани ҳақида бир нишон битиб, унга ўша муҳрин ишлатган эди.

Шаҳзоданинг хос қўшини билан Ҳиротга кетганидан фойдаланиб, Дарвиш Али Бойқарога муҳолиф бўлган Хисор ҳокими Султон Маҳмуд билан бирлашиб, исён бошлади. Дарвеш Алининг шумлиги ошқор бўлган, подшоҳ ғазабланиб, жангга ҳозирланади. Ана шундай қалтис вазиятда Навоий исёни тўхтатади. Дарвеш Али Бойқаро олдида Хожа Деҳдор деган амалдор билан келиб, “Оғамни бадном қилмоқ бўлган Мажиҳиддинни вазирликдан кетказинг, шунда хазинамни пойингизга тўқаман”, дея чўрткесарлик қилади.

Хуллас, Дарвеш Али бор бойлигини хазинага топширади. Бойқаро эса Мажиҳиддинни

истеъфого чиқаради. Бошқа ҳокимлар ҳам исён кўтармасин, деган ниятда, подшоҳ Дарвеш Алини зиндонга ташлатади. Бир оз ўтиб, Мажиҳиддин Ҳажга жўнайди, бироқ 1494 йил августда, ҳали йўлда эканида Табук номи мавзеда тўсатдан вафот этади. Афвга кўра зиндондан чиқарилган Дарвеш Али ҳам Ҳажга йўл олади. У зиёратни адо этиб, 1498 йилда Ҳиротга қайтиб келади. Хазинага бор бойлигини бериб, подшоҳ ишончини қозонган Дарвиш Али яна саройда иш бошлайди.

Афсуски, 1501 йилда Навоий вафот этган, Дарвеш Али яна Балхга кетди. 1503 йили Шайбонийон Балхга ҳужум қилганида, Дарвиш Али у билан бирлашади. Ҳатто шаҳар амалдорларига таслим бўлиб, Шайбонийонга итоат этишга ундайди.

1506 йилда Бойқаро, 1510 йилда Шайбонийоннинг муҳдиш ўлимидан сўнг Дарвеш Али Бобур хизматига ўтади. Бобурнинг эслашмича, 1511 йилда Дарвиш Али Кундузга, унинг ёнига паршон ва кўримсиз қиёфада келади. 1512 йилда Самарқандни эгаллаган пайтида ҳам Бобур Дарвеш Алини ўз беқлари орасида саноқ ўтади. Бобур “беқлик қобилиятдан йироқ ва ичкиликка ўч” деб таърифлаган Дарвеш Алининг кейинги тақдирини номаълум. Ҳар ҳолда Навоийнинг укаси Хўросон тарихида ўзига хос ўрин тутган шахс бўлгани аниқ.

Умид БЕКМУҲАММАД,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

ТАШБЕҲЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАҚИҚАТ

Алишер Навоий шеърияти ўз теранлиги билан асрлар оша бизни ўзига мафтун қилиб келади. Ҳазал ва рубоийлардаги тимсоллар шоир ғоясининг моҳиятини очилишга хизмат қилади. Ошиқ, машуққа, рақиб, гул ва бўлбул каби образлар ҳазрат Навоий лирикаси таъсирчанлигини янада оширади. Гул ва тикан тимсоллари ҳам ёнма-ён келиб, қўллаб-фалсафий мушоҳадаларни ёритишга хизмат қилади:

Мушоҳада

Юз гул аросида бир тикан бўлса, не тонг?!
Юз яхши ичинда бир ёмон бўлса, не тонг?!
Минг соғар ичилса, ўйлаким оби ҳаёт,
Бирнинг таҳида дурдидан бўлса, не тонг?!

Тўртликдаги “гул” сўзи гўзаллик, яхшилиқ маъноларига келган бўлса, тикан камчилик, қийинчилик мазмунларини ифо-

далайди. Ҳаётимиз ҳар доим бирдек гўзал ва мукамал бўлавермайди. Яъни баъзан учраб турадиган салбий ҳолатларни тўғри қабул қилишимиз даркор. Биз ҳурмат кўрсатган, севган инсоннинг афзал жиҳатларини қанчалик қадрласак, камчиликларини ҳам борича қабул этишимиз лозим.

Умримиз давомида бизга доим ҳам яхши одамлар учрайвермайди. Ёмон одамлар эса дарс, сабоқ вазифасини ўтайди. Ҳар доим ҳам қадахимизда тиниқ ичимлик бўлавермайди. Албатта, бирининг тубида майнинг қуйқаси бўлса, не ажаб? Жомимизда тиниқ май бўлиши учун унинг чўкиндиси бўлишини ҳам ҳисобга олишимиз зарур. Зеро, дунёда мукамал нарсанинг ўзи йўқ, ҳар қандай гўзалликда арзимеган бўлса ҳам нуқсон бўлиши мумкин. Улуғ шоир Алишер Навоий таъкидлаганидек:

Гул бўлса, тикан доғи бўлур бўстонда,
Дур бўлса, садаф доғи бўлур уммонда.

Ирода ПАРДАЕВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Ҳайрат

Алишер Навоий “Ҳамса”сининг киришини нега айнан “Ҳайрат ул-аброр” билан очади? Чунки бу дoston шунчаки шеърый асар эмас, жамиятнинг инсондан бошлаб тузатишга чақирган маънавий дастур. Ундаги ҳар бир мақолат ва ҳикоят гўё кўзгу, кимдир ўзини кўради, кимдир эса ўзига керак бўлган сабоқни.

ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Дoston йигирмата мақолатдан тузилган бўлиб, улар қуруқ панд-насиҳат эмас, шоир улар орқали “давлат — жамият — инсон” учлигини бир бутун ўлароқ кўрсатади. Энг муҳими, подшоҳни фақат сиёсий одам деб билмайди. Унинг назарида ҳукмдор ахлокий мезон, жамиятдаги адолатнинг ҳароратини ўлчайдиган руҳий термометрдир. Алишер Навоий масалани катта-катта шиорлардан эмас, инсоннинг ичидан бошлайди:

Авал-аввал каломни сўфиён,
Эрур ихзори аҳвали зиён.
Нафси аммора яратиб одам,
Қилур оламда у кўп бедодам.

Бу сатрлар шунини далиллайдики, зулмнинг илдиши ташқарида эмас, кўпинча ичкарида — нафсадир. Навоий “нафс аммора”ни (ёмонликка ундовчи нафс) танқид қилиб, инсоннинг энг хавфли душмани ичидан эканини эслатади. Яъни шох ҳам, вазир ҳам, оддий одам ҳам бир ҳақиқатга бўйсунди — нафс жиловланмаса, адолат емирилади. Бу фикр бутун ҳам таниш, яъни мансаб, бойлик, обрў ортдан қувши кўпинча “ташқи таъсир” эмас, ички нафс кўтқуси бўлиб чиқади.

Ҳазрат Навоийнинг қудрати шундаки, у халқни мадҳ этиш учун баландпарвоз гап изламайди:

Борки боғдандур уруғ боғдон,
Боғдонсиз боғ бўлмас, эшит он.

Оддийгина ҳақиқат, боғ бор экан, боғдон бор, рўзгор бор экан, меҳнат бор. Шоир шу мисол билан жамиятнинг энг асосий таянчи — меҳнаткаш халқ эканини ифодалайди. Бу ерда амалдорга яширин танбех бор, яъни халқни менсимаслик — давлатни менсимаслик билан баробар.

“Ҳайрат ул-аброр”ни ўқиган одам бир нарсани аниқ тушунади: Алишер Навоий учун давлатнинг мустақамлиги қўшин сони, сарой безаги, баланд шиорларда ҳам эмас, асос маънавият ва адолатдир.

Улуғ мутафаккирнинг ушбу муаззам асари кўп асрлар олдин ёзилган бўлса-да, бутунги кун саволларига ҳам жавоб беради. У бизга қайта-қайта исботлайдики, адолат — ҳаётнинг безаги эмас, чин пойдеворидир.

Ирода ПАРДАЕВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти.

«...ЁТ ЭЛ АРО НЕ БОР МАНГА?!»

Алишер Навоий ижодида Ватан, Ватандан йироқда бўлиш, яъни мусофирлик ва фироқ мавзулари асосий ғоявий йўналишлардан бири. Унинг бегона элде кечган ҳаёти ва руҳий изтироблари шеъриятида ўткир ва чуқур фалсафий-бадий тарзда ифодаланган.

Масалан: чизга тайёргилини баён этади. Ушбу ҳолат юрт соғинчидан нақадар кучли эканини

Не билсун ул кишиким, чекмамиш фироқ туни,
Ки не сифат кечадур тийра рўзгор манга.
Қочиб адамга бораи, ақлу фаҳму донишдин,
Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга?!

Ушбу ғазалнинг биринчи байтида Алишер Навоий айриқч тушунчасини оддий шахсий ҳижрон эмас, балки Ватандан жудо бўлиш фожиаси даража-сига кўтарган. Биринчи мисрада келган “фироқ туни” образли ифода бўлиб, у руҳий изтироб, ташвиш, зулмат ва маънавий қийинчиликни билдиради.

Шоирнинг таъкидлашича, бундай ҳолатни фақат бошидан кечирган, ўзи ғувчи бўлган кишигина англай олади, фироқ азобини татиб қурмаган одам “тийра рўзгор”нинг ҳақиқий моҳиятини тушунолмайди. Бу ерда “тийра” (корону) сифати нафақат шахсий руҳий ҳолатни, балки ватансизликдан келиб чиқадиган ижтимоий-маънавий зулматни ҳам англатади.

Иккинчи байтда эса шоирнинг руҳий изтиробидан кучаяди. “Қочиб адамга бораи” ибораси шеърда бадий муболаға бўлиб, бор ҳолатдан, яъни ёт-бегона элде, Ватандан узоқда яшайдиган тўйиб-безор бўлганини ифодалайди. Унда шоир ҳатто “ақлу фаҳму дониш”дан, яъни инсонни инсон қилувчи олий фаилатлардан ҳам воз ке-

кўрсатади. “Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга?!” мисраси эса шеърнинг ғоявий чўққисини бўлиб, унда шоирнинг мустақам ватанпарварлик ҳолати муҳассаслашган. Алишер Навоий учун Ватан мавжуд экан, бегона юртнинг ҳеч қандай неъматини, қулайлигини, бойлигини мартабаси беқадрдир.

Маъкур байтлар ҳазрат Навоий ижодида ватанпарварлик ғоясининг мазмунан чуқур фалсафий ва ҳиссий асосга эгаллигини намоён этади. У Ватан соғинчидан шахсий дард сифатида эмас, балки инсоний ва миллий даражадаги фожиа ўлароқ талқин қилади. Натижада маъкур мисралар ўқувчини юрт қадрини билиш, гурбат, фироқ ва мусофирлик, ватансизликнинг маънавий оғирлигини англашга чорлайди.

Азизуллох АРОЛ,
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институти доценти, Афғонистон Фанлар академияси фалсафий асоси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Эндиликда транспортларда (автобус, метро, самолёт, поездлар) симсиз ёки мобил интернет тармоғи орқали «Mutolox» платформасидан фойдаланиш имкониятлари яратилади, қулайлик учун QR кодлар ўрнатилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибаът 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират марказида термалда ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.

Мусаххих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.25 Топширилади — 03.10 1 2 3 4 5 6